430695

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 13 июнь, сешанба. №70 (21.833.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ДАВЛАТ МУЛКИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИ АКЦИЯЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш суръатларини жадаллаштиришни амалга оширишга имкон берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳукумат томонидан давлат хусусийлаштириш дастури тасдиқланган, унда қонунда белгиланган ёндошувлар аниқлаштирилган, мақсадлар, устиворликлар белгиланган, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича хусусийлаштиришга доир топшириқлар берилган.

Ҳозирги вақтга келиб республика уч мингдан кўпроқ давлат корхоналари акциялаштирилган. Ушбу жараёнлар «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаларида, шунингдек Андижон, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида фаол амалга оширилмоқда. Бир қатор акциялаштирилган корхоналарнинг ҳатто қисқа муддатдаги фаолияти ҳам улар ишининг анча яхшиланганидан, акционерлар даромадларининг кўпайганлигидан, мулкдорлик туйғусининг, ижодий ва меҳнат потенциалининг сафарбарлиги ошганлигидан далолат бермоқда.

Бироқ бир қатор вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар раҳбарлари янгиликка интилмаяптилар ҳамда корхоналарни акциялаштириш жараёнининг Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги муҳим роли ва аҳамиятини тушуниб етмаяптилар. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда маъмурий-бошқарув ходимлари орасида ҳануэгача сақланиб қолган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими пайдо қилган боқимандалик кайфияти акциялаштириш муддатларини чўзиб юборишнинг ва баъзан уни эътироф этмасликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳолат давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашишга, ушбу жараёнларни жадаллаштириш бўйича зарур тушинтириш ва оператив ишларни таъминлашга даъват этилган бир қатор давлат муассасалари ишларида чуқур илдиз отган бюрократизм оқибатида ҳам кучаймоқда. Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва шу кабилар бир қатор бўлинмаларининг масъул ходимлари кўпинча бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйишмоқда, акциялаштирилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқишда сунъий тўсиқлар вужудга келтиришмоқда, бу билан акционерлик жамиятларини шакллантириш муддатларини чўзиб юборишмоқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришнинг ташкилий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, бу эса баъзан ушбу ғоят муҳим ишни амалга оширишда суиистеъмолчилик ҳолларига олиб келмоқда. Қимматли қоғозлар бозори суст ривожланмоқда, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори эса амалда ташкил этилмаган.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарларининг ҳаммаси ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва умуман бозор инфраструктурасини ривожлантириш масалалари билан шахсан шуғулланмаяптилар.

Буларнинг барчаси монопол тузилмаларни тарқатиб юбориш йўлида кўплаб тўсиқлар пайдо бўлишига, бошқарувнинг ҳамда моддий ресурслар ва молия маблағларини тақсимлашнинг марказлашган тизими сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Натижада «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзавтойўл» давлат концерни, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, «Ўзбалиқ» давлат корпорацияси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибига кирувчи, шунингдек, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги давлат корхоналарини акциялаштириш жараёни асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш, бу жараёнга республика аҳолисини кенг жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ва норматив ҳужжатларга сўзсиз риоя қилиш бўйича ишлари қониқарсизлиги қайд этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг тартиб-қоидаларини мумкин қадар соддалаштириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қисқартиришни, ташкил қилинган акционерлик жамиятларининг акциялари ва сертификатларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш учун ҳудудий, тармоқ ва ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларининг жавобгарлигини назарда тутувчи ягона тартиби тасдиқлансин. Бунда қуйидагилардан келиб чиқилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнига ташкилий раҳбарликни ва уни мувофиқлаштиришни амалга ошираси;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси давлат корхонаси негизида ташкил этиладиган акционерлик жамиятининг таъсисчиси ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари томонидан корхона хусусийлаштириш режасининг тасдиқланиши корхонани очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарор бўлиб, Молия вазирлиги билан биргаликда эмиссия проспектининг тасдиқланиши эса акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор бўлиб ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари очиқ турдаги акционерлик жамиятларини сифатида, тегишли уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва корхоналар билан биргаликда акционерлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайдилар, акциялар чиқаришни рўйхатдан ўтказишни амалга оширадилар, шунингдек, акциялар тўртта пакетининг белгиланган тартибда тарқатилишини таъминлайдилар;

Акционерлик жамиятини ҳокимликларда давлат рўйхатидан ўтказишни Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари амалга оширадилар;

Давлат корхонасини акционерлик жамиятига айлантириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди.

3. Аҳолини давлат корхоналарини акциялаштиришга кенг жалб қилиш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида, аҳолининг пул маблағларини бир жойга жамловчи ва акцияларнинг барқарор даромад беришини таъминловчи инвестиция фондлари тармоқларини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари инвестиция фондларига зарур биноларни муайян мақсадда ажратиш, аудиторлик фирмалари тармогини ривожлантиришни рағбатлантириш, инвестиция фондларини аҳборот билан таъминлаш ва улар учун мутахассислар тайёрлаш йўли билан инвестиция фондлари ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатишига ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Бир ҳафта муддатда 1995 йил учун иқтисодиёт тармоқлари бўйича қайта ўзгартирилаётган давлат корхоналарининг акцияларини чиқариш жадвалини;

Икки ҳафта муддатда қонун бузилишлари ва суиистеъмолчиликларни истисно қилиш механизмини назарда тутган ҳолда инвестиция фондлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни тартиби ва муддатларига сўзсиз риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси мажмуилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

юридик шахсларнинг акциялар муомаласидан олинган даромадларидан 15 фоизли ставка бўйича солиқ олинади;

қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи «Тошкент» республика фонд биржасининг, миллий депозитарий ва инвестиция фондларининг ўз инфраструктурасини ривожлантиришга ва рекламага йўналтириладиган фойдасидан 1996 йил 1 январгача солиқ олинмайди.

7. Оммавий ахборот воситалари акционерлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бозори ривожлантирилиши билан боғлиқ масалаларни кенг ёритсинлар, қимматли қоғозлар билан муваффақиятли ишловчи корхоналар тажрибаси ёйилишига кўмаклашсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАМУНА КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшгани, Навоий кон-металлургия комбинатининг янги учинчи гидрометаллургия заводини қуриш ва муддатидан олдин фойдаланишга топшириш йўлида қилган фидокорона меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

ОЯТОВ Асилбек — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси «Қорақалпоққурилиш» акционерлик жамияти биринчи филиали бўёқчилар бригадири

БЛЕЙХРОТ Артур Яковлевич — Навоий конметаллургия комбинати Шимолий кон бошқармаси бош механиги

НАСИБУЛИН Валерий Яруллаевич — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармаси бош муҳандиси

ТОЖИБОЕВ Иван Шакенович — Навоий қурилиш бошқармаси бетончиси

ЦУЦКАРЁВ Владимир Константинович — «Ўзмахсусқурилишмонтаж» уюшмаси раисининг ўринбосари

ҚЎЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

ГАБИДУЛЛИН Радик Равильевич — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг Тошкентдаги 8-монтаж бошқармаси электр монтажчиси

КОЛОМЕНСКИЙ Юрий Павлович — Навоий кон-металлургия комбинати «Жанубсаноатмонтаж» трести 37-монтаж-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадири

МАЗУРКЕВИЧ Александр Петрович — Навоий кон-металлургия комбинати бош геологи

РОМАШЕВ Виктор Алексеевич — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи директори

ТОЛСТОВ Евгений Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати бош муҳандиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

БЕСЧЁТНОВ Борис Семёнович — Навоий қурилиш бошқармаси бош муҳандисининг монтаж бўйича ўринбосари

БЎТАБОЕВ Жалил Қўнисович — Навоий қурилиш бошқармаси қурилиш-монтаж трести ғишт терувчиси

ГУДСОН Виталий Евгениевич — «Жанубсаноатмонтаж» трести бошлиғи

ДЯКОВ Николай Семёнович — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармаси бошлиғи

ЕФИМОВ Юрий Григорьевич — Навоий ижарачи монтаж-қурилиш корхонаси участка бошлиғи

МИНБОЕВ Жумодил — Навоий қурилиш бошқармаси механизациялаш бошқармаси бульдозер машинисти

МАТЁҚУБОВ Оллоберган Болтаевич — Ўзсувқурилиш «Туямўйингидроқурилиш» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси

НИЁЗМАТОВ Салимбой — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш»га қарашли «Хоразмқурилиш» акционерлик жамияти 255-механизациялашган кўчма колоннаси сувоқчилар бригадири

ПАШАЕВ Эскандер Осмонович — «Ўзпўлатконструкция» трести «Пўлатмонтаж» Тошкент монтаж бошқармаси Учқудуқ участкасининг иш бошиси

СОДИҚОВ Пўлат Назарович — «Ўзагроқурилиш»га қарашли «Бухоровилоятагроқурилиш» трести 196-механизациялашган кўчма коллоннаси бошлиғи

ЦОЙ Валентин Николаевич — «Ўзмахсусқурилишмонтаж»га қарашли 93-»Саноатэнергомонтаж» махсус трести Самарқанд корхонаси монтажчилар бригадири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

АНСИМОВ Александр Анатольевич — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси бош энергетиги

ГИНИЯТУЛЛИН Равиль Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон сув хўжалигини қуриш ва фойдаланиш бирлашмасининг бошлиғи

ДЕЙНЕКИН Борис Васильевич — Навоий конметаллургия комбинати Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи бош энергетиги

ДЕЙНЕКО Виктор Петрович — Навоий конметаллургия комбинати Навоий машинасозлик заводи директори

ЖАЛИЛОВ Наримон Борисович — Навоий конметаллургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармаси «Йўлсозлик» қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

ДЗИТИЕВ Алексей Аркадьевич — Навоий конметаллургия комбинати Шимолий кон бошқармаси директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

ДУШКИН Анатолий Никифорович — Навоий ижарачи монтаж-қурилиш корхонаси директори

ЕФРЕМОВ Сергей Николаевич — Навоий қурилиш бошқармаси бошлиғи

КАРАПИТЬЯН Владимир Арташесович — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасига қарашли «Зарафшон—Ньюмонт» қўшма корхонаси объектларини қуриш бўйича махсус участкаси бошлиғи

КОСИМОВ Равшан Маматқулович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш»га қарашли 93-махсус трестининг Самарқанддаги «Саноатэнергомонтаж» бошқармаси монтажчилар бригадири

ЛАСКИ Вячеслав Ипполитович — Навоий қурилиш бошқармаси Учқудуқ қурилиш монтаж-трести бошлиғи

МИРЗААҲМЕДОВ Фаррух Акрамович — «Ўзсувқурилиш» концерни ишлаб чиқариш-бошқариш бошқармасининг бошлиғи

НОРОВ Жамшид Мўминович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш»га қарашли «Ўзшаҳарқурилиш» уюшмаси раиси

ПАК Александр Иванович — «Ўзмахсусмонтажқурилиш» 93-махсус трести Қарши монтаж бошқармаси электр - газ пайвандчиси

РАШУПКИН Анатолий Васильевич — Навоий кон-металлургия комбинати директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари

РИЗАЕВ Анвар Аҳмадалиевич — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси раисининг ўринбосари

РЮКОВСКАЯ Людмила Николаевна — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг пардозлаш ишлари қурилиш бошқармаси сувоқчиси

САЛИКОВ Александр Фёдорович — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Тошкент созлаш ишлари бошқармаси созловчи муҳандиси

ТИТКОВ Анатолий Михайлович — «Ўзагроқурилиш» раиси ўринбосари

УЛАСЕВИЧ Владислав Валентинович — Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари

ЭРГАШБОЕВ Марат Ваҳобович — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» раисининг ўринбосари

ЮСУПОВ Фозил Одилович — «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси раисининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 июнь.

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Украина Президенти Леонид Кучма шу йил 20—21 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАҚД СЎМЛАРНИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШГА ДОИР ЧЕКЛАНИШЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг эркин алмашиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, шунингдек, эркин алмаштириладиган валютадаги ресурслар тушуми кўпайганлигини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорига қисман ўзгартириш киритилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва уларга тенглаштирилган резидентларга нақд сўмларни алмаштириш пунктлари орқали эркин алмаштириладиган валютага алмаштиришнинг чегараланган суммасига доир мавжуд чеклашлар 1995 йил 1 июлдан бошлаб бекор қилинсин.

2. 1995 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (яшаш гувоҳномаси)га алмаштирилган сумма кўрсатилган штамп қўйишни бекор қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси орқали вакил қилинган банкларнинг алмаштириш пунктларига йўналтириладиган валюта ресурслари ҳажмини кўпайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, вакил қилинган банклар валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги 457-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАНИНГ АҲОЛИГА АВТОМОБИЛЬ БЕНЗИНИНИ НАҚД ПУЛГА СОТУВЧИ АЙРИМ АВТОМОБИЛЬ ЁНИЛҒИСИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ички бозорни нефть маҳсулотлари билан тўлдириш, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 1995 йил мобайнида республиканинг аҳолига автомобиль ёнилғисини нақд пулга сотувчи ишлаб турган 158 та автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, маблағлар манбаи тўғрисида декларация талаб қилмасдан, кимошди савдоларида ва танлов асосида сотсинлар.

3. Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини сотишдан тушган маблағ, сотиш нархининг бутун суммасини тўлаш учун бир ой муддат белгиланган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган кимошди савдосида ва танловларда сотиладиган давлат мулкига ҳақ тўлаш, уларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга мувофиқ тақсимлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларида уларнинг эгалари томонидан тўғридан тўғри шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан келтириладиган ёки товар-хомашё биржаларида харид қилинган нефть маҳсулотлари сотилади.

5. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари эгаларига нефть маҳсулотлари бериши тақиқлансин.

6. Хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари эгаларига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан харид қилинадиган нефть маҳсулотларини, муомала чиқимларини ва рентабелликнинг чегараланган 30 фоизли даражасини ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш нархларида сотишга рухсат берилсин.

7. Хусусийлаштирилган хусусий автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларининг иши Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сон қарори билан тасдиқланган хусусийлаштирилган хусусий автоёнилғи қўйиш шохобчаларининг ишлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга мувофиқ амалга оширилсин.

8. Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ҳабибуллаев), «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц) хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари эгаларининг нефть маҳсулотлари сотиб олиш, қабул қилиш, сақлаш, сотиш ва ҳисобга олиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, сотиладиган нефть маҳсулотлари сифатига, шунингдек низомнинг 7-бандида кўрсатилган қоидаларга риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен ва Қ. Ҳаққулов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 10 июнь.

ШУ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми партиямизнинг ташкилий негизи — бошланғич ташкилотлар фаолиятини шу кун талаблари даражасига кутариш масалаларига бағишлаб, минтақавий семинар-кенгашлар ўтказишга қарор қилганлигини, уларнинг дастлабкиси Тошкентда бўлганлигини илгари хабар берган эдик.

Навбатдаги шундай анжуман Қарши шаҳрида утди. Унда Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари қатнашдилар. Улар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари» тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, мазмуни ва истиқболлари ҳамда улардан кузланаётган мақсадларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг урни қандай бўлишлигига алоҳида тўхталди.

Партиямиз Қашқадарё, Сурхондарё вилоят кенгашларининг биринчи котиблари: Ф. Омонов, Ҳ. Эрматов, Самарқанд вилоят кенгаши иккинчи котиби Б. Буронов, шунингдек, бир қатор шаҳар ва туман партия ташкилотларининг етакчилари сўзга чиқиб, ХДП тузилмаси қуйи бўғинлари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир иштирокчилари шаҳардаги «Қулол» маҳалласи ҳудудий ҳамда «Қаршиқурилиш» трести бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан бевосита танишдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Ризоқул Насимов нутқ сўзлади.

Анжуман ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов, Қарши шаҳар ҳокими М. Маҳмудов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

КЕНГАШ ТАШАББУСИ БИЛАН

Яқинда Қуқон шаҳар темирйўлчилар маданият саройини болалар уйларининг тарбияланувчилари, мактаб-интернат ва кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи ёшлари тўлдирдилар. Бу ерда Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Тошкент гуруҳи» дастаси томонидан уларга атаб хайрия концерти берилди.

Бу савобли иш йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ФАОЛЛИККА НЕ ЕТСИН

Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги ижроия бюроси йиғилишида Жондор тумани партия кенгашининг ЎзХДП II қурултойи қарорларини ҳаётга тадбиқ этишдаги фаолияти атрофлича муҳокама этилди. Унда партия кенгаши ХДП аъзолари билан ишлаш, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни давр талаби даражасига кўтаришда ибратли тадбирларни амалга ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Туман партия ташкилоти нафақат йирик, балки сафлари ёшлар ҳисобига кун сайин кенгайиб бораётган нуфузли ташкилотлардан бири. Партия ташкилоти ўз сафига 2284 аъзони бирлаштириб, 160 бошланғич ташкилот орқали Президентимиз Фармонларини бажариш, ислоҳотларга қанот бағишлаб, алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Бунда партияга хайрихоҳ бўлган ёшларни ХДПга қабул қилиш асқотяпти. Биргина 1994 йилда 195 нафар киши партия аъзолигига қабул қилинди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса 53 киши ўз тақдирини партия ҳаёти билан боғлагани, айниқса ташкилот нуфузи баланд эканлигини кўрсатди.

«Зарафшон», Ю. Гагарин номли, А. Навоий номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари, «Бухоропрстрой» трести-нинг Жондор кўчма жамланма партия ташкилотлари хўжалик юритишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда халқнинг ишончли таянчи бўлаётирлар. Шу ўринда «Зарафшон» жамоа хўжалиги партия ташкилоти (котиби Иноят Шаропов) фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Партия ташкилоти атрофига 222 аъзо уюшган. 9 та ҳудудий партия ташкилоти ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини қамраб олган. Улар ҳаёт билан ҳамнафас, халққа яқин. Ўтган ойлар давомида 10 киши ХДПга аъзо бўлди.

Партия ташкилоти учун майдачуйда нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаммаси муҳим, аҳамиятли. 32 нафар уруш қатнашчиси, 55 та ёрдамга муҳтож оилани партия ташкилоти оталиққа олган. Уларга 35 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хонадонларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш ишларида ҳам партия ташкилоти ҳамкор-ҳамнафас.

Туман партия ташкилотининг обрўси ошаётганини ўтган сайловлар натижаси ҳам кўрсатди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган 34 депутатнинг 14 таси ХДП туман ташкилотларидан сайланди. Бу барча дупутатларнинг 41,5 фоизини ташкил этади. Уларнинг асосий фаолияти халқ фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга қаратилган.

Бюро йиғилишида юқоридаги ютуқлар билан бирга партия ташкилоти фаолиятидаги қусурлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Айрим хўжаликлардаги мактабларда худудий ташкилотлар сафини кенгайтиришга эътибор берилмаяпти. 60 киши меҳнат қилаётган Муқимий номли ўрта мактабда партия аъзолари йўқлиги, бултур 37 та бошланғич ташкилотда бирорта ҳам аъзо ХДП сафига қабул қилинмаганлиги ташвишли ҳол, деб қайд қилинди. Ачинарли томони шуки, тумандаги 150 дан ортиқ корхона, ташкилот, жамоа хўжаликларидан фақат тўртдан бирида ёки 30 тасида бошланғич партия ташкилоти тузилган холос. Жумладан, туман электр тармоқлари корхонаси, 4-кўчма жамланма, 147-автохўжаликда ХДПга хайрихоҳлар оз эмас. Бу жойларда бошланғич ташкилот тузилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Фақат туман партия кенгаши (биринчи котиби Бахшулла Остонов) дагилар янада ташаббус кўрсатиб ишлашлари керак. Ахир, фаолликка не етсин!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Бошланғич ташкилот ташаббуси

Хўжалигимиз тумандаги йирик жамоа хўжаликларидан ҳисобланади. Ҳукуматимизнинг дон мустақиллигини таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракати хўжалигимиз аъзолари ғайратини ошириб юборди. Ўтган йили 819 тонна дон давлатга сотилиб, ҳар гектар ердан 31 центнерден ҳосил олинган эди. Жорий йилда 543 гектарга бошоқли дон экиб, сифатли парвариш қилдик. Ғалла ривожи яхши. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил ҳар гектар ердан салкам 37 центнердан дон олишни кўзлаяпмиз.

Хўжалик бошланғич партия ташкилоти бу йилги ҳосилни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш, уни нобуд қилмаслик учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Тўртта янги комбайн сотиб олинди. 150 нафар ўроқчидан иборат махсус бригада ташкил этилди. Ўрим-йиғимнинг ҳал қилувчи бўғинларида ХДП аъзолари етакчилик қилмоқдалар. Дон ташувчи ва сомон йиғиштирадиган техникалар тахт.

Комбайнчи, тракторчи ва ўроқчиларнинг аксарияти партия аъзолари. Штаб ташкил этилган. Унинг барча аъзолари муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиб боради. Илғорлар ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Режага мувофиқ, етиштирилган ғалла ҳосилини 20 кун ичида ўриб-йиғиб оламиз.

Абдураҳим ҚОРАТОЕВ,
Охунбобоев туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

МУХБИР ШАРҲИ. *Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг 1995 йил башоқли дон ҳосилини муддатидан олдин нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш тадбирлари вилоят миқёсида кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия бюросининг қарорига мувофиқ, вилоятдаги барча туманлар ҳамда Қувасой шаҳар партия кенгашларига ушбу жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси юкланган. Вилоят ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари бошланиб кетди. Унда ХДП аъзоларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.*

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЛГУРЖИ БОЗОР — ПУЛСИЗ САВДО ДЕГАНИ

Тадбиркорликка кенг йўл

Навоий вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруви ташаббуси билан улгуржи бозор, яъни аҳолига пулсиз савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу эса фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда, уларга кундалик истеъмол молларини ўз вақтида етказиб беришда қўл келмоқда. Ўтган тўрт ойда аҳолига 8,5 миллион сўмлик кундалик моллар етказиб берилди. Натижада нафақат вилоят марказида, яқин туманларда, балки Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида ҳам чорвадорларнинг ун, ёғ, шакар, гуручга бўлган талаб-эҳтиёжи тўла қондирилди.

Хўш, улгуржи бозор нима ўзи? Бозор муносабатлари даврида у қандай аҳамиятга эга? Худди шу савол билан уюшма бошқаруви раиси Р. Шариповга мурожаат қилдик.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштириш-ни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ишимизда асосий дастуриламал бўлмоқда, - деди у. — Чунки биз учун бозор муносабатларига ўтишнинг бирдан-бир йўли бу улгуржи-бозорлар ташкил этиш ва уни кескин жадаллаштиришдир. Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекбирлашув тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекбирлашув таклифига асосан унинг жойлардаги бўлинмаларида қисқартиришлар қилиш, туман матлубот жамиятларини тугатиб, улгуржи - чакана савдо бирлашмалари ва фирмаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Дарҳақиқат, улгуржи бозор бу пулсиз савдо, халққа ғамхўрлик демак. Унинг мазмун ва моҳияти мол айирбошлашни тақозо этади. Яъни пули бўлмасада, моли, маҳсулоти бор фуқаро улгуржи бозордан ёки дўкондан хоҳлаган нарсасини олаверади.

Жойларда 11 та улгуржи бозор ташкил этилди. Айниқса, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех, Учқудуқдаги улгуржи савдо бозорлар диққатга молик. Улардан чўнтагида пули бўлмаган фуқаролар ҳам бемалол мол айирбошлаш йўли билан савдо қилишяпти. Масалан, кимнингдир ортиқча жун, мол ва қўй териси, мева ҳамда сабзавоти бўлса ҳам улгуржи бозордан қурук кетмайди. Худди шундай савдо натижасида уюшмада 15 минг дона қоракўл тери, 50 тонна жун, 5 тонна майиз, 64 дона қорамол, 114 бош қўй, 25 та туя йиғилди. Шу ўринда: уюшма бу молларни нима қилади — деган савол туғилиши табиий. Бу маҳсулотлар мол айирбошлаш йўли билан ҳамдўстлик мамлакатларидан, ҳаттоки, хориждан тақчил моллар олиб келишда асқотади.

Уюшма ишбилармонлари йил охиригача улгуржи бозорлар сонини 25 тага етказиш чора-тадбирларини кўришяпти. Бу ишни янада ривожлантириш учун ҳозирдаёқ 2900 фермер, якка деҳқон ва хусусий мулк эгалари билан қатъий шартномалар тузилди. Шартнома буйича улардан кейинги олти ойда 115 тонна гўшт, 500 тонна полиз маҳсулотлари, 50 минг дона тухум ва бошқа кўплаб маҳсулотлар олиш кўзда тутилган. Энди фуқароларнинг пул изслашга, ойлик маош кутишга асло ҳожатлари қолмайди.

Улгуржи бозорнинг ўзи керагини уйга етказиб бераверади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғалвир сувдан кўтарилаётган пайтлар келди. Яхши умидлар билан бошланган йилимизнинг илк ҳосили ўриб-йиғиб олинмоқда. Ана шундай пайтда Уйчи туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам 280 гектар ерга бутдой экишган эди. Ҳосил мўл бўлди. Энди эса пайкалларлари етилган ҳосилни нес-нобуд қилмай саранжомлаб олияпса ҳар гектаридан мўлжалдаги 53 центнердан хирмон кўтарилади.

СУРАТДА: (чапдан) туман ҳокимлигининг назоратчи ходими Мамасодиқ Юнусов, хўжалик раҳбари Ҳусанбой Болтабоевлар ҳосил чўғини чамалаб кўрияпяпти.

А. ЮСУПБОЕВ олган сурат.

САМАРҚАНД "КИНАП" ИЧБ

конференция заллари, спорт майдонлари, маданият уйларини овозлаштириш, кучли овоз алоқалар, концерт ва тўй маросимларини ўтказиш учун

КЕНГ АССОРТИМЕНТЛИ РАДИОКАРНАЙ АППАРАТУРАЛАРИНИ **пул ўтказиш усули билан**

СОТАДИ

тел: /3662/ 24-08-73, 24-23-97 факс 31-12-33

Пиллакор ҳаётига бир назар

ИПАККА ЎРАЛГАН ТОШ МУАММОЛАР

Навоий ҳазратлари бетимсол шеърий ташбеҳларни яратар эканлар, пиллага, ипакка, унинг заҳматига ботбот мурожаат қилганлар. Рости, ипак қадимдан гўзаллик рамзи сифатида эътиборини йўқотмай келяпти. Бироқ иқтисодий ислоҳотлар шитоб ила кечаётган ҳозирги даврда нафис туйғулар ато этаётган бу маҳсулотни етиштириш ва харидорга етказиш билан боғлиқ машаққатлар ҳақида ҳам фикр юритмай илож йўқ.

Агар гап шеъриятга келиб тақалса, пилла мамлакатимиз белига қувват бағишлаётган шоён белбоқ. Фахр этсак арзийди. Чунки Туркистон заминида халқимизнинг шуҳрати пахтакоргина эмас, балки пиллакор сифатида ҳам таралган.

Бор-йўғи қирқ кун ичида нуқтадек ипак қуртининг тиллага монанд пилла ўриб бериши чиндан ҳам мўъжиза. Аслида бу мўъжиза — пиллакорнинг заҳматли меҳнати.

Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли жамоа-ширкат хўжалигида Малоҳат Эргашева моҳир пиллакорлиги туфайли ном қозонганди. Бундан икки йил бурун опа шундай деганди:

— Э, укажон, қурт боқишнинг қирқ кунлик меҳнати бир йилга татийди. Орзу-ҳавас билан қурган уйларимизни қурт боқиш учун бўшатамиз. Пилла қурти жуда нозик бўлади. Сал эҳтиётсизлик қилсангиз, меҳнатингиз сувга оқиб кетади. Айниқса, қурт катта қурга кирганда жуда шошириб ташлайди. Дам барг деб чопамиз, дам мингбош ўтидан даста тайёрлаймиз... Шунча меҳнатга жуда оз иш ҳақи олганимиз бир сари, тағин нафақага чиқаётганда пилладан келган даромад ҳисобга олинмайди.

Малоҳат опа бу йил қурт тутмади. Фарзандлари эса ҳамон пиллакор. Яқинда тумандаги Улуғбек номли жамоа хўжалигининг пиллакори Назокат Эшонқулова хонадонида бўлдик. Деворлари лой билан «гул сувоқ» қилинган, шифтига ялтироқ картон қопланган ораста хонада қурт боқилаётган эди.

— Ўн ёшимда ота-онамга қарашдим, — дейди у. — Демак, ўттиз йилдан буён пилла етиштирамиз. Олти фарзандим бор. Ўтган йилги совуқ барларни қовжиратиб кетди. Бу йил бир ярим қути уруғни парваришладим. Нима қилай, пилланинг пуллини кам-кўстимизга ишлатамиз...

Назокат Эшонқулова дастлаб тортиниб турди. Кейин ундан ўтган йилги пилла учун ҳақни анча кечикиб олгани, бу йил олдиндан аванс берилмаганлигини билиб олдик. Кўмир, ёғоч йўқ. Сўри учун ҳали етилмаган теракларни кесиб ишлатишибди. Булар оддий масалалар эмас. Илгари ҳам пиллачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бирмунча тадбирлар белгиланган. Дастлаб, пиллахона учун фойдаланилган, ифлослантирилган уй-жой учун ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилмоқчи бўлишди. Афсуски, бундан ҳеч нима чиқмади. «Китоб» хўжалигида ҳатто алоҳида пиллахона ҳам қуришганди. Атиги қирқ кун фойдаланиладиган бундай иморатларни қуриш ўзини оқламаётганлигини кўришгач, бу масалани кўзғамай қўйишди. Яна бутун оғирлик пиллакорнинг зиммасига тушди.

Ўзбекона қурилган уйларнинг катта-кичиклиги бир-бирига яқин. Пиллакорлар ҳар йили сўри қилишга ёғоч тополмай овора. Неча

— Ўзимиздаги учта қуритиш цехида пиллага дастлабки ишлов берамиз, яъни қуритамиз, — дейди Ҳикматулло Ҳолиқов, — 2,6 килограмм пилладан бир килограмм қуруқ пилла тайёрланади. Бу ёмон кўрсаткич эмас. Чунки туманимизда етиштирилаётган пилланинг 85—90 фоизи юқори навли. Ўтган йили Шаҳрисабз пиллакашлик корхонасига 32 тонна қуритилган пилла топширдик. Яна 20 тонна қуритилган пиллани сақлаб турибмиз. Бу маҳсулотни сотиб олишга пиллакашлик корхонасининг пули йўқ. Бу йил ҳар килограмм маҳсулот учун пиллакорларга камида 30 сўмдан ҳақ тўлаш лозим. Пиллани қуритсак, ҳар килосини камида 150—170 сўмдан сотишимиз керак. Бу баҳода корхона маҳсулотимизни сотиб олишга қодирми-йўқми билмаймиз. Аҳвол шундай давом этаверса, пиллакорларга ўз вақтида етиштирилган маҳсулотлари учун ҳақ тўлашимиз қийин.

боп пиллалар ҳам шу тўртта туманда етиштирилади. Пилла қурти уруғи, пиллакашлик корхоналари Шаҳрисабз шаҳрида жойлашгани ҳам бежиз эмас.

Жаҳон андозаси талабларига жавоб бера оладиган, ғоят мукаммал япон дастгоҳлари ишлатилаётган Шаҳрисабз пиллакашлик корхонаси бошқа вилоятлардан ҳам пилла харид қилади. Дастлабки йилларда корхона сурункасига зарар билан ишлади. Орадан бир-икки йил ўтиб корхона оёққа турди. Маҳсулотларини Япония, Италия, Бельгия каби хорижий мамлакатларга сота бошлади. Афсуски, кейинги икки йил орасида корхонада оқсаш сезилиб қолди. Биз борган куними корхона ишчилари бир неча ойдан буён маошсиз қолаётганликларини айтиб жиғибийрон бўлишди. Ажабо, вилоятда бақувват ҳисобланган, ҳисобида катта жамғарма, ҳатто хорижий валюта сақлаб келган корхона қандай қилиб бу аҳволга харид қилишга қобил бўлмай қолишяпти.

Нархнинг кўтарилишига таъсир қилаётган сабаблар кўп. Дастлаб, хом ашё ҳақида гапирай. Икки-уч йилдан буён кам пилла етиштирилмоқда. Тутзорларга эътибор камайганлиги, табиий офатнинг таъсири шунга олиб келди. Олайлик, ўтган йили 717 тонна пиллани Самарқанд, Бухоро, Сурхондарёдан харид қилдик. Шу жумладан, Қашқадарё вилоятининг 400 тонна пилласини қабул қилдик. Бир кило қуритилган пиллани ўртача 79 сўмдан сотиб олдик. Пилланинг ипакчанлиги кам. Илгари бир кило ипак 3,4 — 3,5 кило пилладан чиқса, ҳозир камида 3,7 кило пиллани қайта ишлашга тўғри келмоқда. Булар-ку, майли. Ишлаб чиқариш харажатлари, қўшимча қиймат солиғи маҳсулот нархига қўшилади. Биргина олинган қарзни узиш учун ҳар кило ипак баҳоси устига 203 сўм қўшишга мажбурмиз. Натижада биринчи навли ипакнинг нархи 1028 сўмгача кўтарилди. Учинчи навли ипакни 828 сўмдан сотишимиз керак. Бундай маҳсулотни харид қилишга ҳар қандай корхона ҳам қодир эмас.

— Ипакка талаб катта-ку. Четдан харидор изласа бўлмайдими?

— Асосан чиқинди толага харидор кўп. — Ундан олинган маҳсулотнинг 200 тоннасини Жанубий Қурияга сотдик. Маргилондаги корхона орқали Италияга чиқаряпмиз. Юқори навли ипакнинг ҳар килосини 600—650 сўмдан сотиб олишга тайёр харидорлар анчагина. Бироқ, корхона ўз зарарига маҳсулот сота олмайди. Айни кунларда «Китоб» бош хўжалигининг Москвадаги ҳамкорлари орқали Хитойга маҳсулот сотиш юзасидан шартнома тузишга ҳаракат қиляпмиз. Агар ўзимиз ипакни тайёр маҳсулотга айлантирсак, анча муаммолар ҳал буларди... Бундан бир неча йил бурун 20 та дастгоҳ олиб келиб, «Чарос» кичик корхонасига асос солинган, хонатлас тўқиб чиқарила бошланганди. Ҳозир бу корхона хусусийлаштирилди. Чиқиндидан шолча-гилам тўқиб чиқаришни йўлга қўйдик. Самарқандда Афғонистондан келган Ҳожибобо деган киши бор экан. У киши юз фоиз пилла қурти боқилмоқда. Ваҳолонки, ипакчанлиги анча яхши бўлган «Асака», «АН—2», «АН—3» зотли қурт уруғлари бор-ку. Улардан маҳаллий шароитга чидамли ва сифатли пилла уйғидиганини танлаб олиш лозим. Фақат шугина эмас. Пиллакашлик идоралари, қурт уруғи корхонаси пиллакашлик фабрикаси ихтиёрида бўлса, хўжаликлар бевосита шартнома тузса, ўзаро манфаатдорлик ошармиди?

Уруғлик пилла етиштираётган хўжалик бошлиғининг мулоҳазаларида жон бор. Пиллачиликни ислоҳ қилиш зарурияти анчадан буён кун тартибида турибди. Фарғона водийсида учта вилоят пиллакорлари пиллакашлик ва газлама чиқараётган корхоналар билан ҳамкорликда ишлай бошлади. Бу тажриба қолган вилоятларга ҳали ёйилган эмас. Шаҳрисабз пиллакашлик корхонаси бу йил янада қимматроқ пиллани харид қилишга мажбур. Агар ҳар кило қуритилган пиллани 130—150 сўмдан харид қилинадиган бўлса, ишлаб чиқариладиган ипакнинг ҳар килоси камида 1,5 минг сўмга етиши турган гап. Ўзўзидан маълумки, бундай маҳсулотни сотиш анча мушкул. Ҳали омборда утган йилнинг тайёр маҳсулотлари харидор кутиб ётибди. Пулини тўлай олмаса, пиллакорлар машаққат ила етиштирган пиллаларини сотмасликлари ҳам мумкин. Бозор — бозор-да!

Келинг Шаҳрисабз пиллакашлик корхонасида агар пиллани ипакка айлантириб беришса, қандай аҳвол вужудга келишини таҳлил қилайлик. Мутахассисларнинг айтишича, 1 кило ипакни тайёрлаб бериш учун камида 264 сўм сарфланар экан. Бошқа харажатлар ҳам қўшилса қанча бўлади? Заҳмат билан, энг ноқулай шароитларда арзон пилла етиштирган пиллакорнинг қўлига ўн баравар қиммат маҳсулот «ма, ўзинг сот» деб қайтариб берилса, қаерга олиб боришади? Шунча алоқалари билан пиллакашлик корхонасининг ўзи қиммат маҳсулотини сотишни эплай олмаяптику?! Ёки ҳамма туманда Китобдагидек кичик пиллакашлик корхоналари қурилса, Шаҳрисабздаги корхонанинг малакали ишчилари ва Япониядан харид қилинган ускуналари беиш қолмайдими?

Афтидан, бу масалани республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшмаси биргаликда ечишлари керак.

Ҳуллас, тиллага тенг пилланинг «ортиқча маҳсулот»га айланиб қолаётганлигининг сабаблари кўп. Банклар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига катта устамалар эвазига қарз берар экан, тайёр маҳсулотлар сотилмай қолар экан, аҳвол бир жойда депсиниб тураверади. Вазирлар Маҳкамасида шу йилнинг биринчи чораги натижаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президентимиз ислоҳот олдидаги тўсиқларни бартараф этиш, иқтисодий, молиявий тармоқлараро барқарорлик ва мувозанатга эришиш — иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги вазифаларни амалга оширишда ниҳоятда долзарб эканлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, паст сифатлиги, нархининг баландлиги туфайли харидор чақира олмаётган маҳсулотлар ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон пилласи ҳар жиҳатдан жаҳон бозорига мос. Нуқул ички бозорни тўлдирмай, пилла маҳсулотларини хорижга чиқариш, яхши даромад келтириш йўлларини изламоқ даркор. Ана шунда пилла — иқтисодиётимизнинг қуйма тиллосига айланади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

НОН НАРХИ ОШДИ

Алмати шаҳрида нефть маҳсулотлари харажатлари ва савдо устамалари ошганлиги сабабли, нон ва нон маҳсулотлари баҳоси 10 фоизга оширилди. Шундай қилиб, нонинг нархи унинг сортига қараб, 14 тенгадан 27 тенгагача етди.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

ДУШАНБЕ. Бу ерда Индонезиянинг Ўзбекистон ва Қирғизистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ҳасан Абдужалилнинг Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлди.

Президент билан бўлган суҳбат давомида Ҳасан Абдужалил Индонезия ҳукуматининг 25 минг АҚШ доллари миқдоридаги инсонпарварлик ёрдамини Тожикистон ҳукумати орқали Тожикистон қочоқларига топширганини таъкидлади.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Шу йилнинг 31 майдан 4 июнига қадар Душанбеда «Шарқ болалари дўстлиги» VI халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан бирга Эрон, Покистон, Туркия, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларидан санъаткор болалар қатнашдилар. Фестиваль ҳақиқий санъат кўриги ҳамда Шарқ болалари дўстлигининг ёркин намойиши бўлди.

ТОЖИКИСТОН-РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Россия Федерацияси ҳамкорлик вазири В. Серов бошчилигидаги делегация Тожикистонга келди. Улар республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда турли соҳа мутахассислари билан учрашиб, ёнилғи-энергетика, иқтисод, молия-кредит ва банк соҳаларида ҳамкорлик, давлатлараро савдо иқтисодий битимларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Музокаралар ниҳоясида ана шу соҳалар буйича икки давлат ўртасида ҳамда Москва шаҳри билан Душанбе шаҳри, Москва вилояти билан Хатлон вилояти ўртасидаги ўзаро битимлар имзоланиши кузда тутилган.

ҚОЧҚИНЛАРГА ЁРДАМ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги бошқармаси Тожикистон Республикасига сезиларли ёрдам кўрсатмоқда. Бошқарманинг Тожикистон бўйича миссияси ташкил этилган. Миссия махсус дастур асосида Хатлон вилоятини қайта тиклаш бўйича кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, вилоятдаги 17 минг уй қайта тикланди. Келгусида яна 19 минг уй қайта тикланади. Шунингдек, миссия тожик қочқинларини ўз ватанларига қайтаришда ҳам фаол кўмаклашмоқда.

ВАЛЮТА САВДОСИ

Тожикистон валюта биржасида навбатдаги банклараро валюта савдоси бўлиб ўтди. Унда 1 АҚШ доллари 51 тожик рубли қилиб белгиланди.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ САФАР

Қирғизистон Президенти Аскар Акаев республика бўйлаб сафарга чиқди. У сафар давомида мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароити билан танишди. Қирғизистон раҳбари ўзи туғилиб ўсган Кеминск районида ҳам бўлди. Бу ерда у маҳаллий корхоналар меҳнат жамоаси, фермерлар ҳамда ўқитувчилар билан учрашди.

МУДОФАА ВАЗИРИ БРЮССЕЛДА

Қирғизистон мудофаа вазири генерал-лейтенант Мирзакан Субанов Брюсселга жўнаб кетди, деб хабар қилади мамлакат Ҳарбий маҳкамасининг матбуот хизмати. У Брюсселда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо давлатлар вакиллари мажлисида қатнашади.

КУН ЧИҚАР МАМЛАКАТИ ҲИММАТИ

БИШКЕК. Япон маданий марказининг очилиш маросимида қатнашиш учун бу ерга Кунчиқар мамлакатнинг йирик фирмалари, компаниялари ва ишбилармонлар доиралари вакиллари келишди. Улар орасида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Киоши Сато бор. Уни Қирғизистон Президенти Аскар Акаев қабул қилди.

Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳозирги пайтда миллий кадрларни ўқитишнинг уч йиллик дастурини амалга оширмоқда. Япониянинг ҳиммати билан Қирғизистонда бунёд этилаётган республика болалар клиник касалхонасига ўн миллион долларликдан зиёд медицина асбоб-ускуналари келтириб берилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЗАБОНСИЗ ЖАҲОНГА

Она тилим — жону дилим

ЧИҚИБ БЎЛМАС...

Терминология, умуман тил муаммоси, жумладан, кўптиллилик калом ва қалам аҳлини ҳар доим қизиқтириб келган. Йўқ деганда бирон чет тилини билмаган ижодкорнинг тафаккур доираси кенг бўлмайди, албатта. Беназир адибимиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Икки тил эмас, тўрт тил лозим» мақоласи («Тафаккур» журнали) анчадан буён дил тубида тугиб юрган мулоҳазамизни қоғозга туширишни тезлаштирди. Нега бизнинг сўз заҳирамиз қашшоқлашиб кетяпти? Бундан саксон йил олдин ўзига тўрт тилни лозим кўрган эл кўптиллилик даврига келиб нега яктил бўлиб қолиши керак? Нега биз нуфузли тил бўлган инглиз тилини ўрганишни умумхалқ иши, деб эълон қилмаяпмиз? Ўн минглаб сатрлар, ҳадисларни, Қуръони каримни ёд билган орифу олимларнинг зурриёдлари бутун инглиз тилининг калити бўлган ва энг кўп ишлатиладиган 700-800 инглиз сўзларини наҳотки ўрганиб олишмаса. Мулоҳазаларим шу ҳақда.

* * *

Бутун бир миллий республиканинг Давлат тили сифатида амал қилаётган ўзбек тили ғудаклик ёшида бўлса ҳам миллий тил сифатида асрлар оша такомиллашиб, сайқал топиб келаётган энг бой тиллардан бири. Ҳа, ўзбек тили бой тил.

Хўш, тилимизда қанча сўз бор? Ҳозирги лексик бойлигимизнинг қанча фоизи умумтуркий сўзлару, қанча қисми соф ўзбекча сўзлар? Арабча-форсча сўзлар, сўнгра русча, рус тили орқали кирган байналминал сўзлар қанча фоизни ташкил этади?

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгандан сўнг тилимизни чет сўзлардан ҳимоя қилиш байроғи остида яхши ният билан бошланган жараён эндиликда русча сўзларни, туғрироғи байналминал сўзларни ўзбекчалаштиришдангина иборат бўлиб қолмадимикин?

Ҳар қандай янги ташаббус озми-кўпми ижобий самара беради, албатта. Бу ҳаракат олимлар, мутахассисларнинг кўзини очди, соф миллий сўз-терминлар ясаш мумкин эканлигини кўрсатди. Оқибатда турли соҳаларга оид анчагина соф ўзбекча сўз-терминлар «топилди». Шу билан бирга терминсозликда жиддий хатоларга йўл қўйилди ҳам: биринчидан, термин-сўзларнинг моҳиятини тўла тушунмасдан, луғатларга қарамасдан туриб, нотўғри эквивалентлар танланди. Масалан, бухгалтер ҳисобчи эмас, счетовод ҳисобчи, бухгалтерский учёт деган фан (соҳа) бор — уни нима деймиз? Бухгалтерия сўзини турли жойда турлича таржима қилишган. Бухгалтер, бухгалтерия сўзларининг қолгани маъқул.

Номер бошқа — рақам бошқа (русча число, цифр). Адрес манзил эмас (манзилнинг русчаси» место жительство)»; «Адрес своего места жительства» ибораси қандай таржима қилинади? Адрес сўзини Абдулла Қодирий «унвон» деган эканлар. Адрес сўзи қолаверса нима қипти?

Фонд—жамғарма эмас. Русча луғатларда фонд сўзларининг 5-6 маъноси келтирилган. Ҳозир бизда жамғарма деб келинган муассасалар маблағ жамғармайди, аксинча, турли йўллар билан топган маблағи билан бошқаларга моддий ёрдам кўрсатади. Земельный фонд тушунчасини «ер жамғармаси» деб бўладими? «Фонд накопления» нима бўлади?

Дастур. Тожикча бу сўз (ўзаги даст-қўл) бўлса керак, арабча дастур сўзидан олинган деган фикр ҳам бор (барча луғатларда) жумладан, тожикча-русча, «Фарҳанги забони тожики», «Ғиёс-ул-луғат» луғатларида)» қонун-қоида, «қўлланма» деб изоҳланган. Лекин программани дастур дейиш тўғри эмас.

Телефонни «қўнғироқ», фермерни «деҳқон хўжалиги» (фермер ҳам деҳқон, ҳам чорвадор), гидрометрология хизматини «Об-ҳавони кузатиш маркази») бу идора об-ҳавонигина эмас, балки сув-муз-қорларнинг ҳолатини, сел, қор кўчкиси, сув тошқинларини ҳам кузатади — гидро сўзи «сув» дегани.

Бензинни ёқилғи ёки ёнилғи, транспортни нақлиёт (масалан, қувурлар орқали газ, сув, нефть ҳайдаш транспортини нақлиёт деб бўлармикан?), секундни лаҳза дейиш, трамвайни кўнка, поездни ўт арава, трактorни ўтомоч дейиш билан баравар. Эндиликда замонавий, байналминал терминларни қабул қилмасдан туриб тилнинг ривожланиши мумкин эмас. Замонавий фикрлаш учун, замонавий фан-техника ютуқларидан, дунё воқеаларидан хабардор бўлиш учун халқаро сўз-терминларни билиш керак бўлади. Миллийлик илмийликни инкор қилмайди, ҳар қандай илмнинг эса ўз терминлари бор.

Барча байналминал сўз-терминларни айнан қабул қилиш шарт эмас, албатта. Лекин мақбул деб топилган ўзбекча сўз-терминни тавсия этишдан олдин турли луғатлар, энциклопедиялардан бу сўзнинг маъноларини, этимологиясини аниқлаш, унинг яна қандай фан-техника соҳаларида ишлатилишини билиб олиш, яъни истеъмол доирасини белгилаб олиш зарур. Акс ҳолда маълум вақт ўтгач, термин синовга бардош бера олмай сафдан чиқади; ҳаммасининг овора бўлгани қолади. Шуни айтиш керакки, ўзбек тилида ҳозиргача ишлатилиб келган байналминал терминлар узоқ йиллар синовидан ўтган сўзлардир.

Масалан, район сўзини ноҳия дедик, ҳозир туман деяпмиз. Тўғри, бу сўз маъмурий-ҳудудий термин сифатида луғатимизда ишлатилган. Лекин район сўзининг маъноси кенг эди. Бу сўзнинг иқтисодий географик тушунчаси ҳам бор. Шуни эътиборга олиб, иқтисодчилар ва географлар иқтисодий район терминини қабул қилишга мажбур бўлишди. Бирон сўз-термин ўрнига янгисини қабул қилишдан олдин ана шу сўзнинг маъносидан ташқари унинг қайси соҳаларда ишлатилиши, шу сўздан келиб чиққан бошқа сўзлар ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш керак бўлади. Чунончи, район сўзидан микрорайон, макрорайон, районлаштириш каби ҳосила сўзлар пайдо бўлган. Бу сўзларни нима деб таржима қиламиз? Бундай мисоллар кўп.

Одам қанча тил билса, шунча марта инсон деган афоризмнинг куни туғди. Чингиз Айтматов чет элдаги кўпгина адиблар 3-4 тилда бемалол ижод қилишади, энди замон ана шундай полиглот — кўп тилли ижодкорникидир деган эди. Айтматовнинг ўзи ҳам зуллисонайн ёзувчидир.

Бирон бошқа бир тилни билиш Мовароуннаҳр халқи учун янгилик эмас. Ижодкорларни қўяқолинг, оддий халқ ҳам камида икки тилни — туркий ва тожикчани билган. Мадрасада таҳсил кўрганлар эса араб тилини ҳам мукаммал эгаллаб чиқанлар. Шўролар даврида яна бир тил эгаси бўлдик — рус тилини билиб олдик. Ўз ўтмишимизни бошдан-оёқ қора бўёққа бўяш инсофдан эмас. Аслида XX аср халқимиз учун чинакам юксалиш даври бўлди — иқтисодиётимиз, маданиятимиз бекиёс ривож топди. Буларнинг ҳаммаси рус тили, рус адабиёти, рус фани, рус техникаси билан боғлиқлигини ҳамма билади. Шундай экан, истиқлол ҳозирги университетларнинг филология факультетини битирган йигитларни ҳеч ҳам таққослаб бўлмайди.

Навоий замонида эса даврага кириш учун ҳар бир шоир олтмиш минг сатр шеърни (40 минг сатр салафлардан, 20 минг сатр замондошлардан) ёд билиши шарт бўлган экан. Навоий ҳазратлари эса 100 минг сатрни ёд билганлар. Бундан ташқари, ҳар бир саводли киши Қуръондан қанчақанча сура, шунингдек Ҳадиси шариф ва бошқа диний асарлардан кўплаб бандларни ёддан билган. Шунча нарсаларни ёд билган кишининг сўз заҳираси ҳам катта бўлади-да! Яхшиямки озми-кўпми рус тилини ўрганиб олган эканмиз. Бордию биз рус тилидан ҳам воз кечадиган бўлсак, бир тилли халқ бўлиб қоламиз. Бундай халқнинг эса келажаги йўқ.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, дунё бир айланиб тушди. Эски тушунчалар категорияси ўзгарди. Мамлакатимизга чет эл инвестияси, Америка доллари билан бирга ишбилармонлик, умуман иқтисодиётга оид кўплаб халқаро (асосан инглиз) терминлар ҳамда инглиз тили кириб кела бошлади: Инглиз тилини билмасдан туриб бозор иқтисодиётини қуриб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Ана шуни ҳисобга олиб, қозоқлар билан қирғизлар ўзларини уч тилли (ўз она тили, рус тили ва инглиз тилини биладиган) халқмиз деб эълон қилишди. Давлат идораларида, тадбиркорлик ва ишбилармонлик соҳасида инглиз тилини билишни қатъий қўйишди. Мактабларда ва олий ўқув юртларида инглиз тилини жадал ва чуқур ўргатиш умуммиллий масала деб топилди. Бу эса барча соҳаларда инглиз тили етакчи тил ҳисобланган жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлиб қолишга интилаётган ёш мустақил давлатлар учун айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Эндиликда инглиз тилини ўрганиш давлат сиёсатига айланмоғи, бу тилни богча болаларидан тортиб давлат арбобларигача ўрганишлари керак. Савдо-тижорат ходимлари тўғрисида эса сўз бўлиши мумкин эмас. XXI аср бўсағасида эса кўптиллилик замон талаби.

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти катта илмий ходими, Қирғизистон Давлат университети фахрий профессори.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Ўзларига маъқул иш топа олмаётган ҳамшаҳарлар ҳамда бўш иш ўринларига малакали, тажрибали мутахассисларни излаётган ташкилот, муассаса, корхона, фирма раҳбарлари диққатига!

МИРОБОД ТУМАНИ БАНД-ЛИК ХИЗМАТИ

Сизларни шу йилнинг 15 июнь соат 9.00 да **«ТЕМИР ЙЎЛ МАДАНИЯТ УЙИ»да** очиладиган **БЎШ ИШ ЖОЙЛАРИ ВА ВАКАНТЛАР ЯРМАРКАСИГА**

ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Мурожаат учун телефонлар: 55-86-38, 54-49-21, 55-81-09.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 30-уй. 5, 10, 17, 20-троллейбуслар ҳамда 1, 9, 24, 26-трамвайларнинг «ТЕМИР ЙЎЛ МАДАНИЯТ УЙИ» бекати.

КЎЧМАС МУЛК-КЕТМАС ДАВЛАТ!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Ангрен шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда

24 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 11. 00 ДА

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Ангрен шаҳрининг Гўштсой кўрғонида жойлашган ер участкалари:

2-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 650 кв. м. **Бошланғич нархи — 20 минг 800 сўм.**

3-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 600 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 200 сўм.**

8-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 620 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 840 сўм.**

9-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 620 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 840 сўм.**

10-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 620 кв.м. **Бошланғич нархи — 19 минг 840 сўм.**

11- СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 620 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 840 сўм.**

12-СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 620 кв.м **Бошланғич нархи — 19 минг 840 сўм.**

13 - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 640 кв. м. **Бошланғич нархи — 20 минг 480 сўм.**

14 - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 600 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 200 сўм.**

17 - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 660 кв. м. **Бошланғич нархи — 21 минг 120 сўм.**

18 - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 594 кв. м. **Бошланғич нархи — 19 минг 8 сўм.**

19а- СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 400 кв.м **Бошланғич нархи — 12 минг 800 сўм.**

19б - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 300 кв.м. **Бошланғич нархи — 9 минг 600 сўм.**

20а - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 400 кв.м. **Бошланғич нархи — 12 минг 800 сўм.**

20б - СОНЛИ УЧАСТКА, сатҳи — 300 кв. м. **Бошланғич нархи — 9 минг 600 сўм.**

САВДО ИНШООТЛАРИ:

Уй-жой ичида қурилган 18 — «Спорт моллари» дўкони. **Бошланғич нархи — 136 минг 331 сўм.**

Уй-жой ичида қурилган «Зуҳра» 40-дўкони. **Бошланғич нархи — 195 минг 67 сўм.**

Карабау кўрғонидаги «Ҳаммом» бинoси. **Бошланғич нархи —1 миллион 351 минг 682 сўм.**

АВТОТРАНСПОРТ:

«ГАЗ-24-11». автотранспорти. **Бошланғич нархи — 95 минг сўм.**

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТЛАР:

Ангрен шаҳридаги 280 ўринли болалар боғчаси биноси. **Бошланғич нархи — 1 миллион 47 минг 690 сўм.**

Ангрен шаҳридаги муҳандислик—тажриба биноси. **Бошланғич нархи — 42 минг 460 сўм.**

АРИЗАЛАР:

— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 51, 2-қават, 78-хонада (Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида);

— Ангрен (шаҳар ҳокимлиги биноси, хусусийлаштириш бўлимида) ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида (3712) 33-38-42,
Ангрен шаҳрида (266) 22-444.

КИМ ОШДИ САВДОСИ АНГРЕН ШАҲРИ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 24 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Бундан уч йил олдин Кегайли туманидаги «Дарвозақум» жамоа хўжалиги ҳудудида Сергей Ким фермерликнинг этагини тутган эди. Айни кунда фермернинг ишлари анча юришиб кетди.

Олинган соф фойдадан шоли тозалагич цехининг ҳам ишга туширди. Эндиликда эса бу цех фермернинг йиллик даромадини аввалгидан оширмоқда.

Унинг хўжалигида ҳозир 50 бош йирик қорамол боқилмоқда. Йил бошидан бери 11 тонна гўшт сотилди. Бу эса баъзи жамоа хўжаликлари тошираётган маҳсулотига тенгдир. Шоли тозалаш цехида эса 13 тонна шоли қайта ишланмоқда.

Фермер Сергей Ким айни кунларда юзга яқин ёшларни иш билан таъминлади. «Киройи тадбиркорлик шундай бўлса-да!» дейишмоқда ҳамқишлоқлари.

СУРАТДА: фермер Сергей Ким.
Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ПЎЛАТ КЎПАЯДИ

Ҳиндистоннинг Дургапур шаҳрида йилига 500 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга бўлган янги металлургия заводи қурилиши бошланди. Бу корхонада бойитиш фабрикаси, домна ва пўлат эритиш цехлари ишлайди. Корхона қурилишида МДҲ мамлакатлари яқиндан ёрдам беришаяпти.

ЯНА БИР ЁДГОРЛИК

Вашингтонда коммунизм қурбонларига ёдгорлик ўрнатишга қарор қилинди. Бу ҳақда Президент Клинтон тегишли қонунга қўл қўйди. Ёдгорликни бунёд этиш учун махсус фонд ташкил этилди. Унинг таркибига конгрессдаги партияларнинг таниқли вакиллари, машҳур олимлар, шунингдек хорижий мамлакатларнинг жамоат ва сиёсат арбоблари, академик Сахаров фондининг раҳбари Е. Боннэр, Латвия Президенти Г. Ульманис, Эстония Президенти Л. Мери ва бошқалар киритилди.

Америка томони ёдгорлик мажмуаси учун мамлакат пойтахтидан ер ажратиб беради. Лекин маблағ масаласига келсак, уни давлат ҳисобидан ажратишнинг иложи йўқ. Чунки қонун бўйича бунга йўл қўйилмайди. Шу боис ёдгорлик жамоат ташкилотларидан ва алоҳида шахслардан тушган хайрия эвазига бунёд этилади.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

СИНГАПУР. КХДР ва АҚШ Куала-Лумпурда ядровий муаммо юзасидан музокараларни давом эттирди. Малайзия пойтахтида Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Ким Ке Гван ва АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Томас Хаббард раҳбарлигидаги делегациялар 20 майдан буён музокара юритмоқда. Бироқ ҳалигача мулоқотни боши берк кўчадан олиб чиқишнинг иложи бўлмаяпти.

ФРАНЦИЯ ҲАРБИЙЛАРИ ТАШРИФИ ДЕҲЛИ. Франциянинг Исломободга «АГОСТА-90» русумидаги замонавий сув ости кемалари сотиши, Жанубий Осиё минтақасидаги хавфсизликка катта путур етказади. Ҳиндистон мудофаа вазирлиги вакили Франция ҳарбий делегациясининг бу мамлакатга ташрифи чоғидаги музокараларда шуни таъкидлади.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ҚОҲИРА. Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот ва Яман Президенти Али Абдулла Солиҳ ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Қуддус шаҳрининг мақоми ва Фаластин мухториятининг чегаралари-ни Иордан дареси ғарбий соҳили сари кенгайтириш истиқболлари масаласи муҳокама қилинди. Илгарироқ Фаластин раҳбари Саудиянинг Жидда шаҳрига ташриф буюриб, мамлакат подшоҳи билан учрашган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мактаб ўқувчиларининг орзиқиб кутган ёзги таътиллари бошланди. Бундай пайтда қайсидир бола лагерда, кимдир далақирларда, яна кимдир ўз уйида ҳордиқ чиқаргиси келади. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 21-мактаб ўқувчилари эса шу кунларда ўз туманлари ҳудуди бўйлаб қизиқарли сафарга отланишган. Йўл-йўлакай улар боғ-роғлар, салқин ерларда ҳордиқ чиқаришади.

Суратларда уларнинг ўқитувчилари Марғуба Солиева билан Бўзсувдаги сафарлари тасвирланган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ҳамшира — 95

«КЕЛИНПОШША-ЛАР ТАНЛОВИ»

Аслида бундай танлов бўлмаса керагов. Лекин куни кеча «Туркистон»кошонасида ўтказилган анъанавий «Ҳамшира-95» кўригига рамзий маънода шундай таъриф берилди. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир «Ҳамшира! Соғлом авлод, эл умиди» шиори остида ўтди. Шаҳримизнинг ўн етти минг нафарлик ҳамширалар оиласи вакилалари, туманларда ўтказилган мусобақа ғолиблари бўлмиш ўн бир нафар қиз пойтахт ҳамшираси унвони учун баҳслашдилар. Тадбирда қатнашган ҳамшира қизлар танловнинг беш тури бўйича ўзларининг билимдон, топқир, тезкор, ҳозиржавоб, айни пайтда бадиий адабиёт, куй ва қўшиқ шайдоси эканликларини намойиш этишди.

— Биз бугун шу қизларимиз билан бирга катта синовдан ўтгандек бўлдик, — деди кўрик сўнггида шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Малика Зиёева. — Боиси оқ халат кийган тиббиёт ходими зиммасида инсон ҳаётини сақлашдек ўта масъулиятли вазифа туради. Бугунги танловдан кўриниб турибдики ҳамшира қизларимиз ҳар қандай ҳолатда ҳам беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата оладилар. Бу эса бизни қувонтирди.

Танловда Мирзо Улуғбек тумани Она ва бола маркази ҳамшираси Сабоҳат Абдуллаевага биринчи, Шайҳонтоҳур туман 1-клиник шифохонаси ҳамшираси Замира Ҳидоятовага иккинчи ва Яккасарой тумани 3-болалар поликлиникаси ҳамшираси Музаяна Ниғматовага учинчи ўринлар насиб этди. Бироқ ҳали катта синовлар олдинда.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУЙРАКДА ТОШ БЎЛСА...

Шифокор огоҳлантиради

Буйрак-тош касаллиги болаларимизнинг танасида қандай пайдо бўлиши муаммоси ҳам шифокор-олимларимизни, ҳам ота-оналарни ташвишга солмоқда. Кейинги йилларда Тошкент Тиббиёт педиатрия институтида профессор Мингбой Сулаймонов ва доцент Нурулла Утегеновлар бу соҳада илмий изланишлар олиб боришяпти. Буйрак-тош касаллиги фақат Ўзбекистон ҳудудидагина эмас, Марказий Осиё мамлакатларида, Кавказ, Волга-Дон дарёлари, Урол, Олтой ўлкалари ва Экватор атрофида жойлашган мамлакатларда ҳам кўп тарқалган.

Бу хасталикни келиб чиқишининг турли сабаблари бор. Асосийси, туғма энзимонатия (тубулопатия) бўлиб, бу бола танасида модда алмашувининг бузилишига олиб келади. Натижада пешобдан нормадан юқори даражада урат, фосфат, оксалит тузлари чиқа бошлайди. Моддалар алмашувининг бузилиши ўз-ўзидан буйрак-тош хасталигини келтириб чиқармайди. Бу ўзгаришларга қўшимча омиллар, жумладан қалқонсимон олд безининг гиперфункцияси, буйрак йўлларида яллиғланиш, пешобнинг димланиб қолиши, овқатланиш қоидаларининг бузилиши, А ва Д витаминларнинг кўпайиб ёки камайиб кетиши сабаб бўлади.

Буйракда тош ҳосил бўлиши жуда мураккаб ва кўп босқичли жараён. Моддалар алмашинуви бузилганда бемор болаларга ташқи ва ички таъсир буйракдан чиқаётган тузларнинг тушишига сабаб бўлади. Бу ҳолат болаларда белдан қовоқ соҳасига тарқалган қаттиқ оғриқ билан сезилади. Пешобни кузатганда қизғиш ёки қизил рангда ўзгарганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай оғриқлар хуружи тутганда беморлар болалар ўзларини қўярга жой топа олмасдан безовталанадилар. Бундай ҳолатга тушган пайтда албатта шифокор кўригидан ўтказиш лозим.

Бугунги кунда ҳар бир туман, вилоят ва шаҳар марказий поликлиникасида замонавий ултратовуш билан текшириш асбоблари мавжуд бўлиб, буйрак ва пешоб чиқариш йўлларида ҳосил бўлган тузларни ҳатто 0,2-0,3 мм.гача бўлган тошларни аниқлаш имкониятини беради. Лаборатория текширувлари ва тиббиёт кўригидан кейин пешоб орқали чиқаётган тузлар таркибига қараб буйрак тошларининг таркибини аниқлаш мумкин. Шунга кўра ҳосил бўлган тошларни жарроҳлик йўли билан ультратовуш аппаратлари билан эритиш мумкин. Тошларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейин бир неча йил босқичма-босқич муолажа қилинади. Бунда боланинг буйракларидаги яллиғланиш асоратини йўқотиш билан бир қаторда шу буйрак тўқимаси хўжайраларининг тикланишини ва модда алмашинувини муътадиллаштириш керак. Бунинг учун буйракдан пешоб билан патологик ҳолатда кўп чиқаётган тузлар таркибига қараб овқатланиш ва ҳаёт тарзини ўзгартириш лозим. Агар урат тузлари чиқаётган бўлса, бундай беморлар асосан сут-қатиқ, мева ва сабзавотлар, гуруҳчли овқатлар ейиш тавсия этилади.

Фосфат тузлари чиқиб турса, бунда болаларга асосан гўштли овқатлар берилади. Сут, сабзавот ва мева фосфат тузлари тўлиқ чиқиши тўхтагунга қадар камайтирилади. Хасталикдан болаларимизни фориғ қилиш учун ота-оналар ва шифокорларимиз биргаликда бир маротаба эмас, балки бир неча йил мобайнида даволаш ишларини олиб боришлари керак.

Қўчқор ДЕҲҚОНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТАДИ

Маргарин таркибида пахта ёғи, сув, сут, сут зардоби, шакар ва тузлар мавжуд.

Маргаринларимиз — витаминларга бой ва тўйимлидир.

МАРГАРИН ТУРЛАРИ: сутли ҳамда сутсиз маргарин, "Саломатлик", "Парҳез" маргарини.

"Саломатлик" маргарини холецестит ҳамда ошқозон-ичак касаллиги билан оғриган беморлар учун шифобахшдир.

"Парҳез" маргарини эса қандли диабет касаллигини даволашда жуда фойдали.

Уларнинг ҳазм бўлиши осон.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар энг олий сифатли маргаринларни бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиздан пул ўтказиш йўли билан СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 96-57-02, 96-53-81, 96-54-81. Факс: 96-65-10.

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.

Спорт

Саралаш учрашуви

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

• АҚШнинг Атланта шаҳрида келаси йили бошланадиган Олимпиада ўйинларига футболчилар ҳам қизғин ҳозирлик кўриб, 15 йўлланмадан биттасини қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Саралаш учрашувлари 121 мамлакат терма жамоалари ўртасида давом этмоқда. Осиёнинг 26 мамлакати 3 йўлланма учун курашмоқда. 8 гуруҳга бўлинган бу жамоалар қандай бўлмасин нимчорак финалга чиқиб, курашни давом эттиришни кўзламоқдалар. Низомга мувофиқ бу саккиз жамоа иккига бўлиниб, яна ўзаро куч синашиши кўзда тутилган. Шундан сўнг биринчи гуруҳ ғолиби иккинчи гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган жамоа билан ва айни пайтда иккинчи гуруҳ ғолиби биринчи гуруҳда иккинчи бўлган жамоа билан майдонга тушадилар. Ғалаба қозонганлар Олимпиада ўйинларининг финалига йўлланма оладилар. Мағлублар эса учинчи ўрин учун ўзаро баҳслашадилар. Шу тариқа Осиёдан Олимпиада ўйинларида қатнашадиган учта футбол жамоаси аниқланади.

Шу кунларда эса «Е» гуруҳида» Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон терма жамоалари ўзаро кўч синашмоқдалар. Маълумки, мамлакатимиз футболчилари дастлабки учрашувни Қирғизистон пойтахтида ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Куни кеча улар Тожикистон футболчиларини қабул қилишди. Бу учрашувда Неъматилла Қутибоев билан Мухтор Қурбоновлар дарвозага жавобсиз тўп киритиб, ғалабани таъминладилар. Футболчиларимиз 6 та очко билан ўз гуруҳларида пешқадамлик қилишмоқда. Навбатдаги учрашув 24 июнь куни Ўзбекистон — Қозоғистон жамоалари ўртасида бўлади.

Олий лига

ЯНА БИР ДАЪВОГАР

• Олимпиада саралаш учрашувлари муносабати билан 12-турнинг учта ўйини кечиктирилди.

Эртага «Нефтчи»—«Янгиер», МҲСК — «Трактор» ва «Темирйўлчи»—«Пахтакор» жамоалари ўртасида кечиктирилган ўйинлар ўтказилади. Бўлиб ўтган ўйинларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Динамо»—«Чирчиқ»— 2:0, «Машъал»—«Атласчи»—1:1, «Нурафшон»—«Навруз»—1:0, «Навбаҳор»—АСК—4:0, «Сўғдиёна»—»Политотдел»—1:1. Маълумки, «Нефтчи» мавсум бошидан бери ягона пешқадамлик қилмоқда. Лекин бу даврда иккинчи ўринга МҲСК, «Сўғдиёна», «Пахтакор» жамоалари кўтарилиб, пешқадамликка орзуманд эканликларини намойиш этдилар. Айни кунларда эса бухоролик футболчилар навбатдаги ғалабадан кейин 25 очко билан иккинчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлаб олишди.

Иккинчи лига

«ДИНАМО», «ҒАЗАЛКЕНТ» ВА БОШҚАЛАР

• Ўринбосарлар жамоалари ҳам биринчи давра ўйинларини муваффақиятли якунлашга зўр бермоқдалар.

11-тур ўйинларидан кейин Урганч динамочилари яна бир ғалабага эришиб, 23 очко билан пешқадамликни мустаҳкамлаб олишди. Иккинчи минтақада эса «Ғазалкент» навбатдаги ютуқдан сўнг 22 очко билан яна биринчи ўринга кўтарилди. «Кушон», «Чилонзор» жамоаларида 20 тадан очко бўлса, «Зарафшон» ва «Насаф» футболчилари 19 тадан очко жамғаришган.

КУЁВНИ ЎЛДИРГАН ҚАЙИНОҒАЛАР

Суд ҳукмидан сўнг

Шуҳрат шу куни ишдан барвақтроқ қайтди. Хизмат машинасида бирга келган ҳамкасбларини меҳмонга таклиф этди. Улар уэрларини айтишгач, хайрлашиб уйига кирди. Турмуш ўртоғи Замира эса уни хомуш кутиб олди. Остонадаги тугунлар, бошқа анжомларни кўрган Шуҳрат ҳайрон эди. Шу пайт ичкаридан чиқиб келган қайиноғалари Муроджон ва Илҳомжоннинг важоҳати уни баттар лол этди.

— Синглимизни олиб кетамиз, — деди Муроджон даб-дурустдан.

— Оиламизнинг ички ишига аралашманглар...

— Ҳали ақл ҳам ўргатадиган бўлиб қолдингми?...

Ўртада жанжал бошланди... Куни-кўшнилар, милиция, «Тез ёрдам» етиб келганида кеч бўлганди. Энди 28 ёшга тўлган, сухсурдай паҳлавон ярим ялонғоч ҳолда полда чўзилиб ётарди.

СУД ҲУКМИ:

«Судланувчилар Юсупов Муроджон Деҳқонович ва Юсупов Илҳомжон Деҳқонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 80-моддаси 6-банди билан айбдор деб топилсинлар.Юсупов Муроджон Ўзбекистон Республикаси ЖК 80-моддаси 6-банди билан 13 йил муддатга, Юсупов Илҳомжон 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсинлар.

Жазони кучайтирилган режим ўрнатилган ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташлик белгилансин».

..Шуҳрат билан Замира талабалик йиллари танишишди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Тошкент Давлат университетида таълим олишарди. Шуҳрат биринчи курсни тугаллагандан сўнг армияга кетди. Улар икки йил мобайнида қалб сўзлари битилган мактублар орқали дийдорлашиб турдилар. Шуҳрат хизматдан қайтгач уларни тўй-томоша билан қовуштиришди. Аввалига турмушлари ширин кечди. Кейин-кейин биргал келин, бир гал куёвнинг айби билан ораларига совуқлик туша бошлади.

— «Ёшликда бўлади,» дея ҳар сафар уларни «болам-бутам» лаб яраштириб қўярдим, — дейди Шуҳратнинг онаси Ситора опа. — Бу орада икки фарзанд кўришди. Дастлаб Шаҳзод, кейин Беҳзод туғилди. Энди ҳаётлари изга тушиб кетар, деб қувонгандик. Йўқ. Бўлмади. Келиним салга аразлаб, ота-онасиникига кетиб қоладиган одат чиқарди. Балки алоҳида яшашса яхши бўлар, деб шаҳар марказидан икки хоналик уй олиб бердик. Йўқ. Барибир бўлмади. Улар ажрашишди.

Ўғлим фарзандларини жуда яхши кўрарди. Яна қудаларимникига бош эгиб бордим. Келиним бу сафар «ё алоҳида участка ё пастки қаватдаги уй олиб беринглар», деб шарт қўйди. Участка олишга имкониятимиз йўқлигидан, уйларини пастки қаватдаги уч хоналигига алмаштириб бердик. Ҳаммамиз биргалашиб ремонт қилдик. Уларга янги уйда ҳаловат ингандай эди. Афсуски яна аразлаш, яна кетиб қолишлар. Аввалари «яраштириб қўйинглар», деган ўғлим энди «у билан яшамайман» деб туриб олди. Мен алдаб-сулдаб йўлга солдим. Ахир қайси она фарзанди оиласининг бузилишини истайди, дейсиз, ўртада икки неварам бўлса...

«Иш» бўйича гувоҳ Замира Фозилованинг кўргазмасидан.

«— 1993 йил 25 июнь куни акаларим уйга келишганда Шуҳрат ишдан маст ҳолда қайтди. Акаларим билан жанжаллаша бошлади. Узини-ўзи деворга уриб, жароҳат олди ва ҳушидан кетди. Акаларим унга қўл теккизганлари йўқ...»

Аммо унинг бу кўрсатмаларини суд асоссиз деб топди. Жиноий иш бўйича тўпланган бошқа далиллар унинг гапларини инкор этарди. Хўш, бу ашёлар нималардан иборат?

Гувоҳ С. Акбархўжаев кўргазмасидан: Уша кун тахминан соат 19 ларда хизмат машинаси Шуҳратни, мени ва З. Шамсуддиновни уйуйимизга қўйиб келди. Шуҳрат шу куни ичкилик ичмаганди. Чунки ишдан тўғри қайтгандик.

Гувоҳ З. Шамсуддинов ҳам буни тасдиқлади.

Судланувчи М. Юсупов кўргазмасидан:

— «Отам 1993 йил 25 июнь куни куёвларинг жанжал қилиб Замирани урибди. Сингилларингни олиб келинглар, дедилар. Эртаси куни синглимга «сени олиб кетамиз» дедик. У нарсаларини йиғиштираётган пайтда Шуҳрат маст ҳолда уйга кириб келди. Бизни ҳақоратлаб, ўрмоқчи бўлди. Синглимга ота-онасига телефон қил, деганимда телефон аппаратини отиб юбориб, мени бир мушт урди. Яна ҳамла қилган эди чап бердим. Шунда боши билан ошхона девори қиррасига урилди. Тинчлантирмоқчи бўлгандим, бошини, юзини деворга ура бошлади. Қўлида эса пичоқ эди. «Ўзимни ҳам, сенларни ҳам ўлдираман», деди. Шунда Шуҳратдан пичоқни тортиб олдим-да диваннинг тагига отиб юбордим. Шу пайт у ўзини ёмон ҳис қилиб, боши билан полга йиқилиб, хушидан кетди. Мен Илҳомга «қўшниларни чақир» дедиму унга ёрдам кўрсатмоқчи бўлдим. Лекин у қайтиб ҳушига келмади. 10-20 минутдан кейин врачлар, Шуҳратнинг онаси ва укаси етиб келишди.»

Судланувчи И. Юсупов ҳам юқоридаги кўрсатмани бериб Шуҳратга умуман қўл теккизмаганлигини айтди.

Суд-тиббий экспертизасининг 1993 йил 26 июнь кунги 1382-сонли хулосасидан: **«Фозилов Шуҳратнинг ўлими унинг бўйнидан ташқи куч билан бўғиш (механик асфиксия) оқибатида содир бўлган».**

1994 йил 29 январь куни суд-тиббий экспертизаси комиссиясининг 4-сонли хулосаси ҳам Фозилов Шуҳратнинг ўлими ташқи кучлар томонидан бўғиш оқибатида содир этилганлигини тасдиқлайди.

Алқисса судлов коллегияси ишни ипидан игнасигача ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосага келди.

«Судланувчилар Юсупов М ва Юсупов И. лар Фозилов Ш. ни раҳмсизлик билан калтаклаб, бўғиб ўлдиришлари юқорида таъкидланган далиллар йиғиндисидан ташқари марҳумга етказилган жуда кўп — яъни 18 та тан жароҳати, уларни анатомик жойланиши кураш ва ўзини ҳимоя қилиш жараёнида олинганлиги ҳақидаги суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси билан, марҳум судланувчилар томонидан калтакланганлиги, унинг майкасида ҳар икки судланувчиларга тегишли қон доғлари мавжудлиги билан ва иш бўйича далилий ашё деб топилган иккита электр шнурлар билан тўлиқ тасдиғини топган».

Суд ҳукми — вожиб. Жиноятга қўл урганлар тегишли жазо олдилар. Лекин ушбу аянчли воқеанинг маънавий томони ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни баён этсак. Фожеанинг олдини олиш мумкинмиди? Бизнингча — ҳа!

Икки боласи билан бева қолган Замира отасига куёвидан арз қилиб, сим қоққан экан ҳаётда кўп яхши-ёмон воқеаларни бошдан ўтказган инсон — Деҳқон ака Юсупов ўғилларига топшириқ бермай, қудаларига учрашса бўлмасмиди?!

Ахир улар шунчаки қуда эмас, «қайчи» қуда эдилар.

(Қотилларнинг бири, яъни Илҳомжон марҳум Шуҳратнинг сингилисига уйланган). Ёки Замиранинг ўзи болаларини етаклаб уйига қетаверса бўлмасмиди? Ака-укалар ҳам келишди, дейлик. Куёвлари билан яхшиликча, оғир-босиқ гаплашишлари мумкин эди-ку. Ҳаётда турмуши келишмай, ажрашиб кетганлар озми, ахир. Агар ҳар бир қўйди-чиқди «ўлим» билан якунланаверса аҳвол не кечади?

Жуда хунук бўлди. Кечаги қуда-анда, яқин қариндош бугун душман. Аслида воқеадан ҳар икки оила ҳам қон қақшади. Ота-она шунқорларидан, икки норасида отасидан жудо бўлди. Бахтсизлик сабабчилари эса тавба-тазарру ўрнига жаҳл отига миндилар. Адолатли ҳукм ўқилгач, фарзанд доғида шундай ҳам ярим жон бўлиб қолган онага ташланишди. Қора курсида ўтирган, хоҳилликлари туфайли ўз жиянларини етим қилган айбдорлар кечирим сўраш ўрнига...

Қаранг, жиноят устига яна бир жиноят. Ситора опа шу куни касалхонага тушди. Ушбу иш бўйича судланувчиларнинг опаси Раъно, синглиси Замира, кичик куёви Алишер Муталовлар Шайхонтоҳур туман прокуратурасига сўроқ бериб юрибдилар.

Уз айбини мардона тан олиб, тавба-тазарру қилмаган инсон ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Бу гаплар судланувчиларнинг яқинларига тегишли. Улар ҳукм ўқилганда на суд ҳайъатини, на атрофдагиларни ҳурмат қилдилар. Бор нафратларини сочиб, муштипар онага ташландилар. Тўғри, уларга ҳам осон эмас. Лекин жаҳолатнинг ҳам чегараси бор ахир.

Воқеанинг асосий сабабчиларидан бири — Замира ҳақида ҳам тўхталдик. Эр-хотин ўртасидаги гаплар эндиликда ёлғиз унинг ўзигагина аён. Иккинчи гувоҳ бугун орамизда йўқ. Юқорида суд хукмига алоҳида ўргу бердик. Лекин ҳаётда бошқа суд ҳам бор-а. Бу — виждон суди, виждон ҳукми! Акалари Замиранинг жигаргўшалари бўлса, Шуҳрат фарзандларининг отаси эди .Эссиз...

Гўзал АСИМОВА,
Қурбон АЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Наманганда --6-43-43; Навоийда -- 3-75-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир К. ЭШМАТОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0238, 44126 нусхада босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди --21.30

1 2 3 4 5 6.